



ТУРОНИМНИНГ НАВРЎЗИЙ НАФАСИ

Киш бўйи Ер Тангрига тиловат қилиб ётар экан. Бир тарафи шунданми, бу пайтда Ерға ҳалақит қилмайдилар, уни кўзгамаслар. Деҳқонлар тилидан ер кўзгалса, кўзга-гайсан деб эҳтиомол шу боис айтилгандир. Ернинг тиловати қаттиқ бўлади дерлар. Ахир юмшамоклик ҳам шунга яраша-да! Тангрининг нафаси — Баҳор билан Замин бир кўнгли мисоли эрийди. Табиат янги фасл кўйида кўз очади. Ернинг қиш заботидан нақ бир жойга келган томирлари ёйилади, яйраш иштиёқига тўлин томирлар. Тупроқ бағирдай юмшайди, тиловатда эриган тупроқ, каромат инган тупроқ, ҳар заррасида меҳр оқимланган тупроқ, Оҳиста, сўлим ҳаракат ила тилга қира бошлайди у. Ўт-ўланлару, майсаларга, гуллар, куртаклар, бу меҳр мулкига сочилган уруғларга айланаб сўзлайди тупроқ. Яшнаб кетади ифори-ли сўзлар. Яйраб айтилади замин дилидан, яйраб қиради бу сўлим сўз завқи, таровати юраклар мулкига. Баҳор — еру кўнглин бир-бирига ишқ изҳори. Кўзимизга қаттиқдай кўриниб турган даракларнинг пуслуклари аро ҳам юмшоклик кезинади, илдиэларидан энг майда шохчалари қадар бир қарашда умрининг — вақтни кўзгаллиш сел бўлиб тўлкин бериб усар-ди бу кез даракларнинг танасида бир дарёланиш содир бўлади-ю, митти куртаклар мавжлар мисоли ундан оламга талпиниб чиқади, потраб кетади қувончлар. Ҳар новда, ҳар гиеҳ, ҳар катрада лаҳза ичра тирикликнинг минг бир усулини кўрсатади, ўйин ташлайди табиат. Тоғ бошидан шохшўлаб, бир-бирини чорлаб жилғалар югуради. Еру кўдан шодлик элчилари, тирикликнинг турфа тилсимлари рўёланиб, табиатни чулғайверади. Қушларнинг миттигина юракчаларидан таралаётган куй пардалари шунчалар баландлигига, уларнинг овозларига ҳам парвоз қудрати сингганига завқли хайратланасиз. «Қушдай эркин» деган ифоданинг мағзи равшанланиди кўз олдингизда. Эркин қушларнинг эркин осмони, эркин заминнинг эркин кишилари, эркин юракларнинг эркин қўшқилари. Эркин унш, гул-лаш, яшаш, яшатиш. Наврўз ҳаёт саодатини хўп билади. Инсоният табиатга ҳаётни эмас, табиатдан ҳаётни, яшашни ўрганишга қирашгаётганини ҳис қилмаган кишилар адашади. Кун кеча озод юртга, унинг Президентига қарши бориб ҳалқ, тарих олдида оғир фожиани келтириб чиқарган қаттиқ. Уларни Президент, ҳалқ қатъий сўз ва иш билан қаттиқ оғохлантормоқда. Биз адашмаслик сабо-ғини ҳам янги, эркин ҳаётимиздан, ҳам табиатдан ўргансак арзир. Ою юлдузлар билан, нур билан, кўёш билан кўнгли туташ, осудалик ила сирдош табиатдан. Атроф, олам-или гулшани, тириклик дарси. Ҳар куртак бир китоб, ҳар катра бир ҳикмат, ҳар хониш — шукрона, тупроқ — донишманд. Эҳканинг кўкаради! Бағрида бори хосилга қиради. Табиат янглиш кетмас, ўз ишини ўзи билиб қилар. Қаранг, тингланг, унинг фикрлари — гул (бу фикрнинг нимаси ёқмас), мулоҳазалари — дарё, ҳаёли — ирмоқ, умидлари — бағр, нафаси — шамол, қудрати — илдиэ, меваси — тириклик... У билгич, зеро минг йиллари, табиат белгиланган кун — Наврўз ҳар йилнинг ҳаётобисини, ризқочим сочилди шу кундан бошлаб. Қиш бўйи нафас-га тўйган замин ҳаёт қўшигини гулгун пардаларда, гўзал-лик чолғулариди, ёғдулар товланишларида қуйлашга ту-шадди. Тириклик ваъдалари бор унинг қўшқиларида, яша-моқ муроди хосил бу айтмиларда. Жўр бўлади унга оламу одам. Инсонлар қалбидидаги тиник туйғулар, юракдаги ба-ҳорлар қўшилади фасл файзларига. Оламу одам мутано-

Изҳор



Рассом: Гулнора РАХМОН

сиблғида дунё чинакам яшнамोकқа эришади. Комил қўшқилар шундай тўғилади. Олам, юрт баркамоллиги ҳам шу бирикдан ибтидо олса не ажаб. Нурли нафаслар, қутлуг ниятлар, Наврўз кўёши каби чехралардай порлоқ максудлар. Ҳар қачонгидан ҳам оламу одам бир-бирига қандай ярашқили бу Наврўз кунлари! Бу заминга ҳаёт қанчалар муносиб! Болақайларнинг қувончи нигоҳларини бир кўрмоқ завқида, беғубор юрак дукўрларини бир эшитмоқ, жажжи қўлчаларида эркаланиб силанмоқ, мономларнинг табар-рук, нуроний қўзларини ўпмоқ учун талпиниб-униб чиқканга ўхшайди бойчечаклар ҳам.

Ажабо, Аёллар йили табиат қалбига ҳам мулоиймлик югурти чоғи, Наврўзга улангиси келганди киш мулоиймгина бўлиб ўтди. Аёлга табиатнинг ҳам мойиллиги бор экан-да, ўзини қайтариб турди киш. Наврўз дастурхонлари бекам бўлгуси, турли Наврўз тоомлари уни гўдайд беради. Янги кўнмиш тўқинлик узра дуолар бирла нурли бошлангуси. Гул сайли, сумалак сайли... Турон кўҳна ва завқли сайлларни хуш кўради, ўзини сайилгоҳликка чоғлайди, еру кўкни сайилга чорлайди, яқинроқ келади кўёш, ҳавасдан чарак-

лайди юлдузлар. Табиат инсонни шундай қадрайди, кадр санъати шундай бўлар дейди у. Ахир бу шайдоликларнинг бариди бир сўз, бир шарт, бир икким ашайди — ТИНЧ-ЛИК! Наврўз нафакат янги кун, азал-қадимдан тинчлик ҳам-дир. «...Ҳар кўннинг ўлсин Наврўз» ифодасининг бир жиҳа-ти ҳар кўннинг тинч-осуда бўлсин деган маънига ҳам бора-дир. Бу — бизнинг сиеъатимиз! Бу — бизнинг тикланиши-миз садоси! Наврўз байрамига уланмоққа шайланиб, ун-дан олти кун оша эзгулик тилагиди турган улғун кун — Қурбон ҳайити ҳам кишилариимиз руҳиятига тетиклик, ди-лга қувват, кўнглига йимон ҳаловати бўлиб келгуси ал-бат.

Тангри ёққан нур таърифи мангу, табиат ҳамиша голиб. Эмин-эркин Ватанда тирикликнинг ўзи бир байрам. Бо-шинг голиб байрамлардан чиқмасин юртим! Қутлуг юртга қутлуг келдинг Наврўзи олам!

Таърифининг эл бўлиб кутдик,
Замин бўлдиқ, самоланди дил.
Кўёшингиз осмонни туддик,
Турон — сенга очилган кўнгли.

Дилором ҚЎЗИЖОН

САНЪАТ МОЗИЙГОҲИДА АЁЛГА ҚАСИДА

Мана 80 йилдирки, Ўзбекистон Давлат санъат му-зейида намойиш қилиб келинаётган санъат асарлари гоҳ мозий катларидан туриб, гоҳ бугуннинг нафаси ила, гоҳ келажак орузларига қайилиб, турфа рангларида гў-залликка, ҳаётга, олам ва қалб мўъжизаларига ва ни-ҳоят буларнинг барчасини бир нигоҳига жойлай билган Аёлга қасидалар айтиб турадир.. Мозий, бугун ва келажак ҳайратлари бу қошонада!

Ҳаммамиз учун сукули даргоҳимиз яна бир гўзал тадбир дебонасига кирди. 12 март кун Аёллар йили муносабати билан ўшбу санъат музейида «Аёлга қаси-да» кўргазмалар туркумининг биринчи кўргазмаси тан-танали суратда очилди. Уни Ўзбекистонда хизмат кўр-сатган артист, музей директори Насиба хоним Иброхи-мова очди. Тантанана хорихий меҳмонлар, юртимизни-нг таникли ижодкорлари, олим ва санъаткорлар, мат-буот ходимлари ўқувчи ва талаба ёшлар ҳамда бошқа кўлаб санъат мухлислари иштирок этдилар.

Кўргазманинг ўшбу илк саҳифасидан XVIII, XIX аср-ларда ва XX аср бошларида аёл образига мурожаат қилиб яратилган, музейда сақланаётган жаҳон тасви-рий санъат намуналари ва бошқа сўлим асарлар жой олган. Йил бўйи режали тарзда, турфа қамровларда давом этажак «Аёлга қасида» мозийгоҳ ичра рангларида қуйланади. Томошабинларни туйғулар базми, нафис ан-жуманга чорлаб туради.

Д. МАТКАРИМОВА

СИЛЖИШ

Афғонистондаги Толи-бон ҳаракати ва унга қарши турган бирлаш-кан кучлар Ашхобода тўрт кун давомида БМТ раҳнамолигида музока-ралар олиб бордилар. Музокараларда ҳар ик-ки томон иштирокида ҳукумат тузиш, ўзаро асирларни айирбошлаш ҳамда тинч-осойишта фикрлашувларни давом эттириш каби масала-лар кўриб чиқилди. То-монлар ижройи, қонун чикарувчи ва суд маҳ-камаларини биргаликда тузиш ҳақида келишди-лар. БМТнинг Афғонис-тондаги махсус мис-сиясининг баёнотида қар-аганда томонлар ҳал



Бир ўқ атрофида айланар дўнэ

ҚУДДУС ҚАНДАЙ ШАҲАР БЎЛАДИ?

Исроил ҳукумати Қуддус Шарифга халқаро ҳуқуққа эга шаҳар мақомини бериш-га тиш-тирноғи билан қар-ши эканлигини билдирмоқ-да.

БИРИНЧИ ХОНИМ УЎҚЛАРИ

Қўшма штатларда Пре-зидент Клинтоннинг хона-дони атрофида яна шов-шувлар кўпаймоқда. Жур-налистларнинг айтишлари-

ларда ўтказётган таътил кунларини ҳам неғадир барвақт тугатишди. Ло-тин Америкаси мамлакат-ларига ҳам Билл Клинтон бир ўзи сафар қилди. Арканзасга борганида ҳам шундай бўлди. Баъзи журналистлар бу-ни Хиллари хонимнинг бетоблиги билан изоҳла-салар, бошқа бирлари Хиллари хоним сенатор бўлиш учун сайловларда қатнашади, у ўзини шун-га тайёрлапти деб ёз-моқдалар. Ҳар қалай Аме-риканинг биринчи хони-ми ўз оилавий муаммо-ларини ҳам, сиеъий юк-салиш тадбирларини ҳам энг аъло даражада адо этишга ишончи-миз қомил.

га қараганда Хиллари Клинтон хоним эри билан ажралишни мўлжалламақ-да. У бутун ҳаётини сиеъ-сатга бағишламоқчи. Ҳо-зирда Билл ва Хиллари Клинтон жамоатчилик кўз ўнгида биргаликда ҳам кам кўринишмоқда. Тоғ-

Истаган кишидан «Бу дунёда ким-дандир қарздормисиз?» деб сўрасан-гиз, у албатта моддий томонин назар-да тутиб жавоб беради. Ҳақиқатан фа-кат шундайми? Аввало, инсоннинг ту-ғилиши унинг биринчи қарздорлиғи-дир. Бу билан у Аллоҳдан қарздор бў-лади, иккинчиси, албатта ота-онадан. Кейингиси устозларидан, биринчи муаллимдан. Инсон умр бўйи шу қар-зларни узиш иштиёқига эласагина, чин одамийлик бахтига муяссар бўлиши мум-кин.

Лекин буни ҳамма ҳам бирдай англайвермайди. Илк бора мактабга қадам қўйган-да қўлига қалам тутқазиб, ёзишни ўргатган, таълим-тар-бия берган устозидан ким ҳам қарз-дор эмасман дея олади. Дунёни ид-роқ этиш, фикр куртакларининг уйғо-ниши, шубҳасиз, биринчи муаллим но-ми билан боғлиқ.

Мактабни тугатгач, собиқ ўқувчилар устозларига нисбатан қандай муноса-батда бўлишади? Яқин ўтган йиллар ичида кузатганим шу бўлдики, акса-рият ўқувчилар мустақил ҳаётга қадам

қўйгач, ўқитувчиларини гўё «танитай қўядилар». Ажабо, бирор мансабга қў-тарилиб қолишса (бўлиши ҳам мумкин), қандай бўларкинлар? Яна шунингдек, мактабда ўқитувчисидан сигарет сў-райдиган, дарсда билдирибми-билди-рмайми, юзига уна-елик суртиб ўтиради-ган ўқувчилардан келажакда нимани умид қилса бўларкин?

УЧИНЧИ ҚАРЗ

Биз уни қандай адо этаяпмиз?

Бир ўқитувчи ўзи ишлаётган мактаб битирувчиларидан биронтаси (!) ҳам уш-бу ўқув йилида олий билим юртларига қира олмаганликлари ҳақида қуйиниб гапирди. Беихтиёр ачинасан киши. «Қиз бола-ку, майли (у томонларда «қиз бо-ла ўқиб нима қилади, бировнинг хасми бўлса...» деган фикр устунроқ экан), ўс-мирлар бир касбнинг бошини тутмаса,

Куртак ёзаетган ўй

келажакда оиласини қандай тебратар-кинлар?» — деди у. Назаримда, турли турмуш ташвишлари билан ота-оналар-нинг ҳам фарзандларининг кейинги тақ-дирларига эътибор сўсаяётгандай? Ме-ни яна бир нарсаси ўйлантиради: ўқиш, касб ўрганиш фақат «арава тортиш» учунми, ҳаётни, яшашни ўрганиш, ўзининг, дунёни таниш учун ҳам эмас-ми? Мен Тошкентга келиб ўқишга кирганимда. «Қайсига кирдинг?» деб сўрашди, ал-батта. «Педагогика институтига» деб жавоб берганимда, «Ўқитув-чи бўласанми, келиб-келиб-а...»

дегувчилар ҳам бўлган. Кимга қандай, менга эса билимга чанқоқлик ҳаётга чан-қоқлик бўлиб туюлади. Сўзимни қарз ҳа-қидаги мулоҳазалардан бошлаган эдим. Фикримча, ёшларидан билимга интилган, уни имкони борича эгаллай билганлар бурч ва қарз тушунчасини ҳам яхши англайдилар.

Шерали НИШОНОВ



Таъмини баҳор созлаган таом — сумалак

СОҲИБҚИРОНГА УЮШТИРИЛГАН СУИҚАСД

Тож-тахт ва олий мансаблар учун кураш ҳақиқат тарихида ҳаққа илҳиза эга, унга мисоллар ҳам сон-саноксиз. Қисқа муддатда жанг-жадаллар билан улкан салтанат тузган соҳибқирон Амир Темур тарихида ҳам қўлпал зафарларга силлиққона эришилмаганилигини ва аянчли кечмишларни кузатиш мумкин. Ҳақ дэврини бош тарихий манбаи — Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида га-нимларнинг икки марта Соҳибқироннинг ҳаётига суиқасд қилгани қайд этилган.

Соҳибқирон Амир Темур олий ҳукмдор бўлгандан сўнг унинг ҳаётига суиқасд биринчи марта 1371 йили уюштирилган эди. Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома»да бу воқеани қўйидагича шарҳлайди: «Хазрат соҳибқирон Жата томонга юриш қилмоқда ҳазм қилиб, сипоҳ тўпланмоғи учун турли томонга ҳу-моюн яриғ равона бўлди. Теварак-атрофдан голиб аска-рлар ҳаракатга тушди. Зафар белгили байроқ саодат ила Сайрам ва Янгидан ўтгач, ёв қўшинлари ул Хазратнинг келаётганини ово-засининг ўзиданқў тўзиб-тар-каб қилиб қолди. Зафар-ли сипоҳ сон-саноксиз қим-матли ўлжалар билан қайт-ди.

Одун-Қўзи мавзеида Амир Мусо ва Зиндахашим, илгари хазрат соҳибқирон уларга неча марта лутфу марҳаматлар қўрсатган бўли-шига қарамай, яна макр ва хиянат қилиб ўйига тушди-лар. Улар Хизр Ясавурийнинг ўғли Абу Исҳоқ билан шу тўғрида масалатлар тузди, хаз-рат Соҳибқирон Қарошон мавзеси-га етгач, уни ов чо-ғида қийла билан тутиб олишга эҳд-паймон қилдилар ва Қўрьон билан қасам ич-дилар: ваҳоланки, ақл улар-га ва бу хош ҳаётига

Калтафохмлик қилма гурӯрли арслон
Тулки уйиридан бўлмағай нимжон,
деб қулар эди.

Илгарилар, ул Хазратта душманлик қилиш бобида ўзаро сўз қотган Хонзода Абул Маоллий Термизий ва Шайх Абул Лайс Самарқан-

дий ҳам уларга қўшилдилар. Бундан хабардор бўлган бир киши юзага келган аҳвол ҳа-қида арз қалами ила хазрат Со-ҳибқироннинг ёрқин қўнгли са-ҳифасига ёзди. Уларни сўроқ-қа олиб келмоқда қатъий фар-мон берилди ва ҳаммаларини юзлаштирган ҳолда, тиз-қўти-риб сўроқ қилдилар, барчаси-нинг исён ва хиянат қилмоқчи эканлиги исботланди».

Амир Темур бу фитнада айбланганлардан, Амир Мусо-нинг гуноҳидан кечади, Шайх Абу-л-Лайс Самарқандий, пайгамбар авлодидан бўлган-лиги сабабли, у ҳам жазага тортилмайд, бироқ гуноҳларини ювиш учун мажбурий равиш-да Хижоз сафарига (Мақкага) жўнатилади. Фитнада асосий айбдор бўлмиш Зиндахашимни кишанлаб Самарқандга олиб кетдилар ва зиндонга таш-лайдилар.

Шарафиддин Али Яздий уш-бу воқеага хулоса тарида: «Тор тўсиқни очуви ва тўғри йўлни қўрсатувчи узокни қўра олади-ган ақл қўзидан четда қолма-синики, илони чўнтакда олиб юрмоқ ва душмани дўст деб билимқ ҳушёрлик қилиш ва оқи-батни ўйлашдан узок эрур», — деб ёзди.

Ушбу қўнглисиз воқеадан йилгирма йилдан олтироқ вақт ўтгач, Соҳибқирон ҳаётига яна бир марта суиқасд уюштирил-ди ва унинг тафсилоти ҳам ўша давр манбаларида ёритилган. Бу воқеа Амир Темурнинг етти йиллик юриши чоғида рўй бер-ди.

«Жаҳонгир Соҳибқирон Озарбойжон ва Ироқи Араб мамлакатларини бўйсундириб, азбт этгандан сўнг, хисравона азм жиловини Дашти Қипчоқ ҳамда ўрус, Чирқас ва бошқа шу каби мамлакатлар ерлари томон йўналтирди. Итилмиш қавчинни эса, Овник қалъси-да (ҳоким қилиб) қолдирган, аҳд ва унсратшорон байроқнинг узок муддатли йўқлиги чоғида Қорасуф туркомон билан жанг қилиб, тақдир тақдоси билан қўлга тушиб қолди. Қорасуф уни банди қилиб Мисрга (под-шоҳ) Барқўқ қолмига юборди. (Барқўқ) уни хибсга олиб қа-маб қўйиб, ўзининг мажҳуд гу-ноҳини янада ортирди. Ҳам-масидан қизғин шундаки, ўша кезларда Соҳибқирон Малатия худудидан Барқўқнинг ўғли Фа-

рах ҳузурига элчи орқали нома йўллади; у отасининг ўлиmidан сўнг Миср ва Шом мамлакат-лари султони бўлган эди. Хат-нинг мазмунини шундай: «(Маълумки) сенинг отанг томонидан турли ноҳуя хатти-6-3686 варақлар).

Бироқ, Фараҳнинг буйруғи-га қўра, Амир Темур элчилари-ни Ҳалаб шаҳрида қамаб қўя-дилар. Бу ҳақда Соҳибқиронга хабар етиб келгач, у қаттиқ ға-забланиб, Дамашқ сари юзла-

Он Хазрат Дамашқ яқинига етиб борганда, ул лашнати мак-кор бузғунчилар ҳумоюн мавқабга келдилар ва қўрқмасдан маккор-лик юзини халифалик тахтининг пойига қўйдилар. Улар хат-пайғомини олиб ўтиб, шу баҳона билан ўз мақсадларига эришмоқ-чи эдилар. Улар бир неча марта он Хазратга яқин бориш бахти мавжуд бўлиб имкон топганлари-га қарамай, ҳар доим ул ҳумоюн Хазратни асраб турувчи Оллоҳ ҳи-мосининг саодати туфайли, фур-сат топа олмадилар ва қудратли давлат қувватидан ул разил яра-масларнинг ҳуйла ва ёвузлик қил-моқчи эканлиги олий девоннинг улғу қотилларидан саналимиш хо-жа Мотъул Симонийнинг ҳаёли-га келиб қолди. Уларни тутиб тин-тув қилганлариде этикларининг қўнжиде заҳарланган ханжарлари борлиги аниқланди. Бадбахтлар ноилоҳ қолдилар ва уларнинг «ташрифи» ушбу йўсинда барбод бўлди». («Зафарнома» 378а ва-рак).

Бахтиёрлиги тасдиқланган Со-ҳибқирон парвардигорга шўрона-лар айтиди ва муҳтоҳларга хайр-эхсон ва садақлар улашди. Сў-нгра давлат илҳомининг таржи-мони бўлмиш тўғри сўзловчи тили билан шундай деди: «Султонлар қондасио удулмига қўра элчини ўл-дирмоқ расм эмас. Бироқ бу ша-хс айёрлик қилиб улғу арбоблар (элчилар) суратига қириб олимиш, у ўта бузғунчи ва фитнакор эрур». Унга ва бошқалар учун ҳақиқий сабоқ бўлсин деб уни ўша ёнidan чиққан заҳарланган пичоқ билан ҳалок этдилар. Ибора: Агар хо-сила тикан бўлса (ажабланма, чу-қки) уни ўзинг эккансан, (деган) оҳанг замзамасини унинг жони ногорасига солдилар ва ҳаром мурдасини бошқа ганимларга иб-лат бўлиши учун ёндириб йўқ қил-дилар. Иккита шеригининг қони-дан кечдилар, қўлоқ ва бурнини кесиб ёзган хати билан қўшиб (Фараҳ қошига) жўнатдилар. Лашкарнинг теварак-атрофга тар-қалиб кетган қисми барчаси йи-гилсин, деган буйсуниш шарт бўл-ган оламни тобе этувчи яриғ қун-га кириб, (хазрат Соҳибқирон) саодат ва иқбол билан отланиб гардуншўхрат аскарларни тузаб Дамашқ шаҳри сари юзланди. (За-фарнома, 378а варақ).

Хазрат Соҳибқирон (саркарда) Подшоҳ Бавронига хат билан (Фарах) қошига юборди. Пайғомини мазмунини қўйидагича эди: «Бизнинг ишдаги азм ва қатъийлигимиз доврўғини билди-

нади. Фарах ҳам бутун сало-ҳияти билан Мисрдан Дамашқ-қа етиб келади ва ҳуйла йўли-га ўтиб, Амир Темурга суиқасд уюштиради. Али Яздий «Зафар-нома»сида унинг тафсилоти қўйидагича: «(Фарах) Дамашққа етиб боргач, шаҳар ва қалъага ўр-нашиш, уни мустаҳкамлаш бо-бида зарур бўлган эҳтиёт шар-тларини баъжариб, ҳимоя чо-раларини қўрди.

(Айни пайтда), тахтни асраб қолиш алдови билан у бир ҳийлани (ҳам) ишга солди. Ел-ғондан ўзини бечоралоҳ қўрса-тиб юрган бир ўта айёр, гапта чечан, одамни маҳлиб қилиб қўйидаган кишига иккита жоҳил фидойини ҳам қўшиб, ҳар би-рига биттадан заҳарланган хан-жар бериб элчи сифатиде хаз-рат Соҳибқирон қошига юboro-ди. Улар пайғомини етказиш чо-ғида бир қўлай пайт топиб ёвуз-лик қилишлари керак эди.

лар ҳамда мақсад ва режалар-ни нияосига етказиш йўлидаги матонатимиз буюқлигини тан олганлар. Мардларни, хоҳ у султон бўлсин, хоҳ оддий ин-сон, майдонга жалб қилувчи нараса ғайрат ва ҳақиқат экан-лигини донолар билдилар. Подшоҳларнинг ўзини катта ха-вф-хатарга уриб черик тортмоқ ва мамлакатларни тобе этмоқ-дан асл мақсади фақат мол-ду-нё йиғиш ва бойлик орттириш эмас, балки ор-номус эътибори ва аҳли ном қолдиришдан иборат.

Дунёнинг барча иши номус ва ном учундур, бўлмаса яримта нон билан ҳам кун ўтади.

Биз қайта-қайта Итилмишни (ҳузуримизга қайтарганини) талаб қилдик, бироқ оқомадингиз; ул ишда пайсалга солиш ва кечик-тиришга йўл қўйилди. Натижада ҳақиқат қўли азм этмоқ жиловини ул томон бурди ва мамлакат аҳолисининг турмуш-турмушига қанча қаролик ва зарар етқа-зилди...

Шунга қарамасдан, агар Итилмишни юборсангиз, танга ва хўтбани бизнинг номимиз билан безасангиз, низо палоси (дўстлик палосига айланиб) қўз-га сургудек қадри бўлади, ўзин-гизга ва бу дийр аҳолисига ра-ҳм қилган бўласиз. Аҳс ҳолда, бизнинг шайланган аёвсиз лаш-каримиз учун муҳолифни енгиш, душманини қириш, шаҳарни эгал-лаш ва яқсон қилиш одатий ва мақсадга мувофиқ иш эрур» («Зафарнома», 379а варақ).

Соҳибқирон Дамашқ Рум под-шоши устидан талаба қозонга-нидан сўнг, Фараҳ охириғи умиди ҳам ўзалиб, Итилмишни ба-нддан озод қилди; бўйсунмиши тан олиб, Соҳибқирон исми билан танга зарб қилди ва номи-ни хутбада эфир эздиган бўл-ди; элчи юбориб хирож ва мол тўламоқчи зиммасига олди. Амир Темур унинг элчиларини яхши қабул қилиб икки ўртада Дамашқ шаҳри сари юзланди. (Соҳибқирон) хазрат Соҳибқиронга хат билан (Фарах) қошига юборди. Пайғомини мазмунини қўйидагича эди: «Бизнинг ишдаги азм ва қатъийлигимиз доврўғини билди-

Омонулло БҲРИЕВ, Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими

дай қарасам, Миҳа ҳам ўша ёққа раво-на бўлганти.

— Ҳе, қайёққа кетаяпсан? — деб қич-қирдим бор овозда: — Саройга югур-сан-чи!

— Йўқ, — деди у, — қайин тағига борамам. У яқинроқ!

— У ер хатарли-ку, — дедим яна ба-қириб. — Тупи анча катта. Чақмоқ ури-ши ҳам мумкин!

— Қарға чақмоқ тушадиған даракта қи-раям кўнмайди, — деб шаниғиллади Миҳа.

Чақмоқ кетидан момоқалдиқроқ гул-дуради. Кейинги гулдурак шу қадар

ми, жала тиниб, булутлар тарқаб кет-ди. Офтоб қарақлади. Яна далага чиқ-дик. Қайинга ниғоҳ ташладик — қандай бўлса, ушандайлигича турибди, аммо Миҳа кўринмайд. Қайёққа кетди экан? Дарахтга яқин бориб қарасам, Миҳа қайиннинг нариги томонидан унга суян-ган қўйи мана бундай ўтирибди...

Овчи ўзини бироз орқага ташлаб, қў-зини юмди ва унинг юзи виқорли тусда қотиб қолди.

— Улибдимми? — даҳшатга тушди Чик. — Улишам гапми? — Овчи сузида да-вом этди: — Албатта, вағ-вур бўлди, шов-қин-сурон қутарилди. Қайиннинг тана-сига мол-хўллар дастига-да қоп-қора ёрик. Демак, чақмоқ ургану, аммо ёниб кетмаган, жа-ла шаррос ёғаётганида-да. Шўрлик Миҳанинг эса жонини олиб кет-ган. Қишлоққа қараб аюҳаннос солдик. Одамлар югуриб келиш-ди. Бир вақт қимдир ўтлар ораси-дан ўлик қаргани топиб олди.

Қишлоқ аҳли ҳайратга тушди. Баъзилар Миҳанинг хотини дои-мо «Ҳа, қўшмозор бўлгулар» деб қарғамани эслади...

— Чик полвон, фаҳмига етди-нми, нимага қарға ана шу қайин-га бориб қўнган?

...Чикнинг этлари жимирлаб кетди.

— Бўлиши мумкин эмас, — де-ди бу тахлидда интиком олишдан даҳшатга тушиб. Ич-ичидан шун-дай бўлиши кераклигини хохла-са-да, аммо бунини аниқ-равшан ис-бот қилиб беришлари кераклигини истарди.

Шундай бўлди, Чик, — деди овчи сирли тусда қулимсираб, гунгқарга мода қарғасининг ўчи-ни олди. Бунинг учун у олти йил пайт пойлаган! Олти йил-а!

— Тасодифан тўғри келиб қол-гандир, — деди Чик.

— Чақмоқдан одам ўлганини эшитганинг борми? — суради ов-чи Чик полвонга қувлик билан бо-қиб.

— Албатта!

— Билиб турибсанки, мен эши-тидан ташқари кўрганман ҳам. Энди айт-чи, итими ённки қўтос-нимини, чақмоқ уриб ўлдирибди, деган гапни эшитганимиз?

Чик ҳарчанд ўйламасин, эслолмади.

— Йўқ, — деди ахйир. — Нимаиди?

— Гап шундаки, ҳайвонлар чақмоқ тушадиған жойни билдилар, — деб баралла гапирди овчи. — Тоғда мо-моқалдиқроқ бўлиб қолди дейлик. Эчки-лар қўтонда турибди. Унинг энг баланд жойини қўни кўрган серка эгаллар. Агар бирор минутдан сўнг чақмоқ шу

серка ётган жойни уриши керак бўл-са, биласинми, у нима қилади?... Охишта ўрнидан туриб, бошқа жойга чўқади, чақмоқ эса баяги ётган жойга келиб тушади.

— Э-э-э, — эслади Чик, — бу нар-са зилзиладай гап. Ҳайвонлар зил-зила бўлишини олдиндан сезишла-рини илим-фан исбот қилган.

— Халқ фан-паниси ҳам шундай эканлигини ҳақиқа билган. Ҳайвонот зилзилани ҳам, бошқа нарсаларни ҳам сезади. Ўз уйидада нарсан бир воқеани айтиб берайми сенга. Бунга ўн санкиз-ийгирма йилларча бўлди... Кенга бориб, ит гингшии бошлад. Бошқа мол-хўллар ҳам безовтали-ди. Бирон-бир қўнглисиз ҳодиса юз берса керак деб, биз ҳам хомуш то-ртдик. Қўшниллар қайфияти ҳам шун-дай эди. Кексалар ўзиниға етмай ке-часи билан оғоҳ бўлиб туришни мас-лаҳат бердилар. Хуллас, қутавердик, қутавердик, ҳеч нараса содир бўлма-ди. Бироз хотиржам тортиб ўринга ётдик. Бир вақт шартта ўйғониб кет-сам бўладими. Нимаданлигини ўзи-мам билмайман. Алланарса қасир-ку-сур қилгандек бўлди. Қўзимни оссам... тепамда олдулар қарақлаб турибди. Ўз уйиниға қўзинини очиб, тепангда юлдузларни қўришдан ҳам даҳшат-лироқ нараса йўқ экан, оламда. Хо-тин-халаж қий-чув, дод-вой қутариш-ди. Ҳамма ҳовлиға чиқди... Тунда қишлоғимиздан ёмон шамол ўтиб, то-мимизни қиличдай қўрт кесиб, қўта-риб кетган экан. Моли нобуд бўл-ганлар ҳам, бошқа хил эиён-захмат қўрганлар ҳам, жароҳат олганлар ҳам бор эди. Холбуки, чорва моллари шу-нақа бўлишни беш-олти соат олдин сезган. Паррандалар ҳам. Хўш, Ми-ҳанинг қарғаси ҳам қайинга тасоди-фан бориб қўнган деяр оласаним?

Шуни айтиб қўяйки, қарға Миҳанинг қўлида ўн икки йил яшаган. Биз та-макизорда қўм марталаб ёмғирда қо-либ кетганимиз. Ҳамиша ўзимизни та-макизорга урардик. Қарға ҳам биз бил-лан бўларди. Баъзан биздан ҳам ав-вал кириб оларди. Хўш, нима учун у охириги сафар қайинга бориб қўнган? Чўки яшин қайинга мойил бўлиб тур-ганилигини сезган ва муддаосини амалга ошириш пайти келганини ту-шуниб етган. Ўзи нобуд бўлса ҳам, модасининг ўчини ола билган. Гунг-қарға сабрили қуш. Биласаним, у қан-ча яшайди?

— Уч юз йил, — деди Чик.

— Бу дунёда мана шунақани мўъжизалар ҳам бўлиб тураркан, — деди овчи...

Рустадан Шарофиддин КҲНЧИ эркин таржумаси.

